

Тазкия дарслари (108-дарс). Нафснинг шаҳватлари фақат ёмонликдан иборат эмас



13:00 / 31.10.2020 4471

Нафснинг шаҳватлари фақат ёмонликдан иборат эмас. Улардан фойда ҳам бор. Таом шаҳвати бўлмаса, ғизо тановул қилинмас эди. Жинсий шаҳват бўлмаса, насл қирқилар эди. Шаҳватларнинг ортиқчаси ва туғёнга кетиш қораланади.

Баъзи кишилар мана шу ўлчовни фаҳмламасдан, нафс хоҳлайдиган барча нарсани тарк қилишга ўтадилар. Бу нафснинг ҳаққини поймол қилишдан иборат бўлган зулмдир.

Нафснинг ҳам ҳаққи бор. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Нафсингнинг сенда ҳаққи бор», деганлар. Нафсга зулм қиладиган қавмлардан баъзиси: «Бунча йилдан бери нафсим талаб қилса ҳам, фалон

нарсани тановул қилмайман», дейди. Бу ҳалолдан бурилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига хилоф қилишдир. Ул зот иштаҳа тортадиган ширинлик, асал ва бошқа нарсаларни тановул қилар эдилар. Илми озлигидан нафси иштаҳа тортган нарсани тамомила ҳаром қилган зоҳидга эътибор берилмайди. У адолатдан кўра зулмга яқинроқдир.

Иштаҳа тортадиган нарсага етишиш қийин бўлганда, уни тарк қилинса ҳечқиси йўқ. Мисол учун, уни топиш учун макруҳ йўлга кириш зарур бўладиган ёки уни тановул қилганда бўшашиб кетиб, нафс доимий равишда тама қиладиган бўлиши хавфи бор ҳолатлар.

«Руҳий тарбия» китобидан